ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИ

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ

АНДИЖОН ВИЛОЯТИНИНГ СТАТИСТИК АХБОРОТНОМАСИ

2018 йил
ЯНВАРЬ-ДЕКАБРЬ

Андижон – 2019 й.

СЎЗ БОШИ

Андижон вилоятининг статистик ахборотномаси Андижон вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудлар ҳолатини комплекс тавсифловчи Андижон вилояти статистика бошқармасининг чораклик нашри ҳисобланади. Статистик ахборотномада 2018 йил январь-декабрь ойлари якунлари бўйича Андижон вилоятининг асосий статистик кўрсаткичлари чоп этилган.

Ушбу нашрда, ҳисобот даври учун статистик кўрсаткичлар биринчи марта Европа ҳамжамиятининг Иқтисодий фаолият турлари статистик таснифлагичига (NACE Rev.2) асосланган Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичи (2 таҳрир) бўйича шакллантирилган ва тақдим этилган.

Шу билан бирга, мавжуд фаолият турларидан фойдаланишда ИФУТ-2 талаблари қўлланилган. Хусусан, фойдаланилаётган ёки қайта ишланаётган маҳсулотларни уларнинг янги турларига қайта шакллантиришга йўналтирилган барча фаолият турлари ишлаб чиқариш жараёнларига киритилган: тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш, қайта ишлаб чиқариш саноати, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш, сув таъминоти, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш, қурилиш (таснифлагичнинг B,C,D,E,F секциялари).

Шунингдек, халқаро статистика амалиётига мувофиқ, иқтисодий трендларни янада аниқроқ таҳлил қилиш мақсадида, Ялпи ҳудудий маҳсулот тузилмасидаги иқтисодий фаолият турларининг улуш кўрсаткичлари ялпи қўшилган қийматга нисбатан келтирилган (яъни, ЯҲМ ҳажмидан маҳсулотларга солиқлар ва субсидиялар чиқариб ташланган).

Нашр 13 та тематик қисмлардан ташкил топган бўлиб, у асосий макроиқтисодий индикаторларни, шунингдек Ялпи ҳудудий маҳсулотни ишлаб чиқариш, корхоналар ва ташкилотлар, жумладан кичик тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаолияти, инвестицион фаоллик, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, саноат, қурилиш, бозор хизматларининг ривожланиш динамикаси тўғрисидаги статистика маълумотларини ўз ичига олади.

Сатистик ахборотномада саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, транспорт, ички ва ташқи савдо, улгуржи ва чакана савдо, демографик ҳолат ва бандлик тўғрисидаги таҳлилий маълумотлар кенг ёритилган.

Қисқартма ва шартли белгилар

ЯҲМ	–	ялпи худудий маҳсулот	л.	–	литр
%.	–	фоиз	0,0	–	катта бўлмаган миқдор
млрд.	–	миллиард	м.	–	марта
млн.	–	миллион	–	–	кўрсаткичнинг йўқлиги
млн.АҚШ долл.	–	миллион АҚШ доллари	га.	–	гектар
кв.	–	квадрат	тн.	–	тонна
км.	–	километр	1), 2), 3).....	–	изоҳнинг мавжудлиги
м.	–	метр			

МУНДАРИЖА

Номи	бет.
АСОСИЙ ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАР	**8**
I. ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ	**9–13**
Ялпи ҳудудий маҳсулотининг ҳажми ва дефлятор индекси	9
Ялпи ҳудудий маҳсулотининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби	10-12
Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича тақсимланиши	13
II. САНОАТ	**14–22**
Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш	14-17
Ҳудудлар бўйича саноат ишлаб чиқариш	18-19
Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш	20
Ҳудудлар бўйича истеъмол товарлари ишлаб чиқариш	21
Тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурининг асосий кўрсаткичлари	22
III. ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ	**23–33**
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот(хизмат)ларининг ҳажми	23
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши	24
Деҳқончилик	24-27
Чорвачилик	28–32
Фермер хўжаликлари	33
IV. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ	**34–44**
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	34–37
Асосий капиталга хорижий инвестиция ва кредитлар	38–39
Ижтимоий соҳа объектларини қуриш	40
Қурилиш фаолияти	41
Ҳудудлар кесимида қурилиш ишлари ҳажми	42-43
Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимоти	44
V.КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИ	**45–52**
Фойда	45-46
Зарар	47-49
Корхона ва ташкилотларнинг дебиторлик ва кредиторликқарздорлиги	50-52

Номи	бет.
VI. КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК (БИЗНЕС)	**53–61**
Янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши	53
Кичик тадбиркорликнинг 1000 нафар аҳолига тўғри келадиган кичик корхона ва микрофирмалар сони	54
Кичик тадбиркорлик субъектларининг сони	55
Кичик тадбиркорликнинг ЯҲМдаги улуши	55
Кичик тадбиркорликнинг ҳудудлар бўйича улуши	56
Ялпи ҳудудий маҳсулот ва иқтисодиёт тармоқлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик (бизнес) улуши	57
Ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми ва ўсиш суръати	58
Ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да чакана товар айланмаси ҳажми ва ўсиш суръати	59
Ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да хизматлар соҳаси ҳажми ва ўсиш суръати	60
Иқтисодий вазиятни баҳолаш	61
VII. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ	**62–73**
Рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг ҳудудлар бўйича тақсимланиши	62-63
Рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши	64
Фаолияткўрсатаётганкорхоналарваташкилотларнинг иқтисодийфаолияттурларибўйичаулуши	65
Фаолият кўрсатаётган юридик шахслар-хўжалик юритувчи субъектларнинг ташкилий ҳуқуқий шакллари бўйича тақсимланиши	66
Ҳудудлар бўйича янги ташкил этилган корхоналар ва ташкилотларнинг сони ва улуши	67-68
Ҳудудлар бўйича фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг сони ва улуши	68-69
Хорижий капитал иштирокидаги корхоналар	70-73
Оилавий корхоналар	73
VIII. ХИЗМАТЛАР	**74–79**
Хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони	74
Иқтисодий фаолият турлари бўйича бозор хизматлари ишлаб чиқариш	75-77
Ҳудудлар кесимида хизматлар ишлаб чиқариш	78–79

Номи	бет.
IX. ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА	**80–81**
Юк ташиш	80
Йўловчи ташиш	81
X. ТОВАРЛАР ВА ХИЗМАТЛАР БОЗОРИ	**82–84**
Чакана савдо товар айланмаси кўрсаткичлари	82
Чакана савдо товар айланмаси таркиби	83–84
XI. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР	**85–90**
Ташқи савдо айланмаси кўрсаткичлари	85
МДҲ ва бошқа давлатлар кесимида вилоятнинг ташқи савдо айланмаси ваулуши	85-86
Ташқи савдо айланмасининг қитъалар бўйича тақсимланиши	86
Товар айланмасида нисбатан катта улушга эга бўлган давлатлар билан ташқи савдо айланмаси	87–88
Экспорт ва импорт таркиби	89–90
XII. ДЕМОГРАФИК ҲОЛАТ	**91–95**
Доимий аҳоли сони тўғрисидаги кўрсаткичлар	91
Аҳолининг табиий ҳаракати коэффициентлари	92
Туғилиш	92
Ўлим	93
Никоҳлар ва ажралишлар	94
Миграция	95
XIII. ЎРТАЧА ОЙЛИК НОМИНАЛ ҲИСОБЛАНГАН ИШ ҲАҚИ	**96–99**
Юридик шахсларда ходимлар сони ва иш ҳақи фонди	96
Иқтисодий фаолият турлари бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи	97
Андижон вилояти бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи	98
Ҳудудлар бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи	99

Асосий иқтисодий кўрсаткичлар
2018 йил январь-декабрь

	млрд. сўм	*2017 йил январь-декабрганисбатан фоиз ҳисобида*
Ялпи ҳудудий маҳсулот	27121,6	112,1
Саноат маҳсулоти	26950,7	155,8
Истеъмол товарлари	21323,7	164,8
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	21718,2	105,7
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	4055,9	119,1
Қурилиш ишлари	2442,5	106,1
Юк айланмаси *(млн. тн-км)*	854,7	115,6
Йўловчи айланмаси *(млн. йўловчи-км)*	11990,7	103,3
Чакана товар айланмаси	10409,5	106,9
Хизматлар, жами	7979,8	108,5
Ташқи савдо айланмаси *(млн. АҚШ долл)*	2154,9	134,9
Экспорт	340,6	85,4
Импорт	1814,3	151,4
Сальдо (+;-)	-1473,7	x

I. ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йил январь-декабрда ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 27121,6млрд. сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг мос даври билан таққослаганда 12,1 га ўсди. ЯҲМ дефлятори индекси 2017 йилнинг январь-декабридаги нархларга нисбатан 126,0 фоизни ташкил этди.

ЯҲМ - ҳудуднинг ривожланишини умумлаштирувчи кўрсаткич. ЯҲМ иқтисодий моҳиятига кўра ЯИМ га тенг кўрсаткич ҳисобланади, яъни у ушбу ҳудуднинг резидентлари бўлган иқтисодий бирликлар томонидан якуний фойдаланиш учун ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар қийматини ифодалайди.

Январь-декабрда ЯҲМ нинг физик ҳажми ва дефлятори индекслари динамикаси қуйидаги маълумотлар билан ифодаланади (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан % да):



Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ 8923,9 минг сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 38,8 % га юқоридир.

Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ динамикаси

	Минг сўм	*Ўсиш суръати, %*
2018 й. январь-декабрь	8923,9	138,8

Иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯҲМ ни ишлаб чиқариш қуйидаги маълумотлар билан ифодаланади:

	млрд.сўм		*2017 йил январь-декабрига нисбатан фоиз ҳисобида*
	2017 йил	*2018 йил*	
I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами	**19206,0**	**27121,6**	**112,1**
шу жумладан:			
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	**18810,7**	**26487,1**	**111,9**
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	9603,2	16050,0	105,7
саноат	2691,3	5515,0	151,2
қурилиш	814,1	1115,4	106,1
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1385,4	1729,3	105,4
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	1405,8	1515,9	104,8
бошқа хизматлари	2910,9	3561,5	104,1
Маҳсулотларга соф солиқлар	**395,3**	**634,5**	**121,8**

Андижон вилояти иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, саноат тармоғининг ўсиш сурати – 151,2 % (ЯҲМ таркибидаги улуши-20,8%), қурилиш – 106,1% (4,2%), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 105,4% (6,5%), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 104,8% (5,7%) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 104,1% (13,5%) ни ташкил этди.

ЯҲМ нинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари
(фоизда)



Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати таркиби
(жамига нисбатан фоизда)



Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби
январь–декабрьойларида
(*жамига нисбатан фоизда*)

2017 йил январь-декабрь



2018 йил январь-декабрь



- **Маҳсулотларга соф солиқлар**
- **Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати**
- **Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги**
- **Саноат (қурилишни қўшган холда)**
- **Хизматлар соҳаси**

II. САНОАТ

Вилоят саноат корхоналарида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ҳамда ишлаб чиқариш қувватларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш жараёнларининг жадаллашиши натижасида 2018 йил январь–декабрь ойларида 26950,7 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши таъминланиб, ўсиш суръати 2017 йилнинг тегишли даврига нисбатан 155,8 фоизни ташкил этди.

Ҳисобот даврида 21323,7 млрд. сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, 2017 йилнинг январь-декабрига нисбатан 164,8 фоизни ташкил этди. Жумладан, 1585,1 млрд. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, 19738,6 млрд. сўмлик ноозиқ-овқат моллари (2017 йилнинг январь-декабрига нисбатан мосравишда 102,4 фоиз ва 173,3 фоиз) ишлаб чиқарилди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш
(2018 йил январь–декабрь ойларида)

	млрд. сўм	*2017 йил январь-декабрига нисбатан фоизда*
Иқтисодий фаолиятнинг алоҳида турлари бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми	**26950,7**	**155,8**
Тоғ- кон саноати ва очиқ конларни ишлаш	**105,7**	**102,6**
шу жумладан:		
нефть- газ, кўмир, лигнит қазиб олиш	77,4	100,7
тоғ-кон саноатининг бошқа фаолияти	12,9	111,3
тоғ-кон саноати соҳасида хизмат кўрсатиш	15,4	104,5
Қайта ишлаш саноати	**26402,0**	**157,4**
шу жумладан:		
озиқ- овқат маҳсулотлари, ичимликлар тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш	1741,0	102,1
пахтани қайта ишлаш, тўқимачилик маҳсулотлари, кийимлар, тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш	3931,0	113,2

	млрд. сўм	*2017 йил январь-декабрига нисбатан фоизда*
ёғоч ва пўкак буюмлар, поҳол ва тўқиш учун материаллардан буюмлар ишлаб чиқариш	16,6	106,2
ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш	6,5	110,3
мебель ишлаб чиқариш	182,8	100,7
кимёвий маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш	456,5	114,2
бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш	281,8	115,1
фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқариш	5,9	106,0
металлургия саноати	11,3	110,7
тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	224,8	101,8
электрон ва оптика, электр товарлар ишлаб чиқариш	464,2	116,6
автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ишлаб чиқариш ҳамда машина ва ускуналарни таъмирлаш ва ўрнатиш, тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	19017,6	188,7
бошқа турдаги тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш	62,0	100,5
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	**398,2**	**95,9**
Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	**44,8**	**133,5**
шу жумладан:		
сув таъминоти, оқава сув	29,2	117,0
чиқиндилар йиғиш, утилизация қилиш ва бошқа махсулотлар	15,6	180,3

Саноат соҳасида модернизациялаш кўламларини жадаллаштириш ва кенгайтириш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида, саноат соҳасида фаолият юритаётган корхоналарда ишлаб чиқаришнинг жадал ривожланиши давом эттирилди.Умумий ҳажмга нисбатан Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш улуши қуйидагича тавсифланади.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)



Тоғ кон саноати ва очиқ конларни ишлаш.Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 105,7 млрд. сўм (жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 0,4 фоизи)ни ташкил этди.



Ишлаб чиқарадиган саноат (қайта ишлаш саноати) 2018 йилнинг январь-декабрь ойларида ишлаб чиқарадиган саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 26402,0 млрд. сўм (жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 98 фоизи)ни ташкил этди.

Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш. Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 398,2 млрд. сўм(жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 1,4фоизи)ни ташкил этди.

Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш.Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 44,8 млрд. сўм (жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 0,2 фоизи)ни ташкил этди.

Ҳудудлар бўйича саноат ишлаб чиқариш

Андижон вилоятида саноат корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳудудда ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Андижон вилояти саноат ишлаб чиқариш ҳажми таркибида энг кўп Асака тумани (Андижон вилояти саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 63,3 % улушини), Андижон шаҳар (15,7%), Хонобод шаҳар (3,5%), Шаҳрихон тумани (2,5%), Хўжаобод тумани (1,8 %) ҳиссасига тўғри келади.

Ҳудудларнинг жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши, % да
(2018 йилнинг январь-декабрь ойларида)



Ҳудудлар бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ва ўсиш суръати
(2018 йилнинг январь-декабрь ойларида)

	Млрд. сўм	*ўсиш суръати %*
Вилоят бўйича:	**26950,7**	**155,8**
шаҳарлар:		
Андижон	4231,6	135,4
Хонобод	942,5	123,6
туманлар:		
Андижон	628,0	110,6
Асака	17071,9	189,3
Балиқчи	462,4	101,3
Бўз	117,8	102,8
Булоқбоши	182,6	109,3
Жалақудуқ	389,6	106,9
Избоскан	448,2	112,0
Улуғнор	117,6	101,5
Мархамат	263,2	108,2
Олтинкўл	458,6	104,4
Пахтаобод	156,5	107,2
Хўжаобод	474,3	110,3
Шаҳрихон	673,2	110,5
Қўрғонтепа	332,9	114,6

2018 йилнинг январь-декабрида саноат ишлаб чиқариш ҳажми 26950,7 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 155,8 фоизни ташкил қилди. Вилоятда энг кўп саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг улуши Асака тумани (63,3 %), Андижон шаҳри (15,7 %), Хонобод шаҳри (3,5 %), Шаҳрихон (2,5 %), Хўжаобод (1,8 %) туманлари хисссасига тўғри келди.

Шу билан бирга енг кам улуш Бўз (0,4 %), Улуғнор (0,4 %), Булоқбоши (0,7 %) ва Пахтаобод (0,6 %) туманларига тўғри келди.

Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш

Тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини рағбатлантириш ва турларини кенгайтириш, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2017 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан 164,8% ошишига таъсир кўрсатди, жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши эса 79,1 % ни ташкил этди.

	2017 йил январь-декабрь	*2018 йил январь-декабрь*	*2017 йилнинг январь-декабрига нисбатан фоизда*
Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш, *млрд.сўм*	**12937,9**	**21323,7**	**164,8**
шу жумладан:			
озиқ-овқат товарлари	1547,9	1585,1	102,4
ноозиқ-овқат товарлари	11390,0	19738,6	173,3

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш таркиби
(жами истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан, фоизда)



Ҳудудларнинг жами истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши, % да

(2018 йилнинг январь-декабрь ойларида)



Ҳудудлар бўйича истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми ва ўсиш суръати

(2018 йил январь-декабрь ойлари)



Тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурининг асосий кўрсаткичлари

Тармоқлараро саноат кооперациясини ривожлантириш, тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш доирасида тадбиркорлик субъектлари томонидан 2018 йилнинг январь-декабрь ойларида 4995,5млрд. сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ҳажмларининг ўсиши бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши, корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолияти учун зарур бўлган саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўсишининг ва импорт товарлари қисқаришининг омилларидан бири ҳисобланади.

	2017 йил январь-декабрь	*2018 йил январь-декабрь*
Лойиҳалар сони, *бирлик*	54	51
Корхоналарсони, *бирлик*	36	38
Ишлаб чиқариш ҳажми, *млрд.сўм*	1844,0	4995,5
Экспорт қилинган маҳаллийлаштирилган маҳсулот ҳажми, *млн. АҚШ доллари*	45,6	11,1
Яратилган янги иш ўринлари, *бирлик*	34	18

III. ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ

2018 йилнинг январь-декабрида ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) умумий ҳажми 21718,2 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 105,7 фоизни, шу жумладан, деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва бу соҳаларда кўрсатилган хизматлар ҳажми 20932,2 млрд. сўмни (105,3 фоиз), ўрмончилик хўжаликларида 619,9 млрд. сўмни (111,3 фоиз), балиқчилик хўжаликларида 70,4 млрд. сўмни (167,9 фоиз) ташкил қилди.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари (хизматлар)нинг ҳажми
(2018 йилнинг январь-декабрида)

	Млрд. сўм	*ўсиш суръати %*
Вилоят бўйича:	**21718,2**	**105,7**
шаҳарлар:		
Андижон	681,6	106,5
Хонобод	159,9	89,2
туманлар:		
Андижон	1367,2	103,5
Асака	2086,2	105,2
Балиқчи	1486,3	110,4
Бўз	1233,6	108,8
Булоқбоши	1153,1	106,5
Жалақудуқ	2165,3	101,6
Избоскан	1272,5	100,5
Улуғнор	1043,5	120,8
Мархамат	1529,2	110,2
Олтинкўл	1456,9	103,2
Пахтаобод	1613,9	105,9
Хўжаобод	1038,5	109,2
Шаҳрихон	1940,6	103,6
Қўрғонтепа	1489,9	103,1

Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг таркибий тузилишида энг юқори улуш деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига тўғри келади (умумий ҳажмга нисбатан 66,6 фоиз), фермер хўжаликларида (умумий ҳажмга нисбатан 32,4 фоиз), қишлоқ хўжалигини амалга оширувчи ташкилотларда эса (умумий ҳажмга нисбатан 1,0 фоиз).

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)



ДЕҲҚОНЧИЛИК

2018 йилнинг январь-декабрида ишлаб чиқарилган деҳқончилик маҳсулотларининг ҳажми 14510,3 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 104,7 фоизни ташкил қилди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида деҳқончилик маҳсулотларининг улуши 66,8 фозни ташкил қилди.

Ҳосилни йиғиб олиш. 2018 йилянварь-декабрь ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан жами дон экинлари587919 тонна (96,9 фоизга), шу жумладан бошоқли дон 462424 тонна (94,0 фоизга), шундан буғдой 462211 тонна (94,0 фоизга), дон учун маккажўхори 63593 тонна (109,9 фоизга), шоли 34927 тонна (110,3 фоизга), бошқа дон экинлари 26978 тонна (108,8 фоизга), пахта 216849 тонна (90,6 фоизга) картошка 325019 тонна (107,1 фоизга), сабзавот 1539484 тонна (104,2 фоизга), полиз 134905 тонна (100,1 фоизга), мева 568469 тонна (100,0 фоизга), узум 76840 тонна (97,5 фоизга) етиштирилди.

Хўжалик тоифалари бўйича асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш

(2018 йилнинг январь-декабрида)

	Фермер хўжаликлари		*Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари*		*Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар*	
	минг тонна	*ўсиш суръати, фоизда*	*минг тонна*	*ўсиш суръати, фоизда*	*минг тонна*	*ўсиш суръати, фоизда*
Пахта	215,9	90,5	-	-	0,9	102,7
Дон	520,6	100,1	54,5	67,2	12,8	232,1
Картошка	50,8	138,6	273,9	102,8	0,3	94,0
Сабзавотлар	545,4	126,9	982,8	94,0	11,3	354,8
Полиз	81,7	98,4	52,8	103,2	0,4	74,3
Мевалар ва резаворлар	121,8	141,2	443,7	92,4	3,0	136,7
Узум	38,5	93,8	38,0	100,7	0,3	485,5